

43 - وَعَنْ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ يُوعَلُ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنَّكَ تُوعَلُ وَغُرَّاً شَدِيدًا!! قَالَ: «أَجَلٌ إِنِّي أُوعَلُ كَمَا يُوعَلُ رَجُلًا مِنْكُمْ» قُلْتُ: ذَلِكَ أَنَّ لَكَ أَجْرٌ؟! قَالَ: «أَجَلٌ، ذَلِكَ كَذِيلَكَ، مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُصِيبُهُ أَدَى، شَكَّةٌ فَمَا فَوْقَهَا إِلَّا كَفَرَ اللَّهُ بِهَا سَيِّئَاتِهِ، (وَحُطَّتْ عَنْهُ دُنْبُبُهُ) كَمَا تَحُطُّ الشَّجَرَةُ وَرَقَّهَا» مُتَّقِعٌ عَلَيْهِ [خ]. [2571، م 5648]

وَ«الْوَعْلُ»: مَعْنُوتُ الْحُمَّى، وَقِيلَ: الْحُمَّى.

43. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига кирдим, у зот иситмалаётган эканлар. «Эй Аллоҳнинг Расули, сизни жуда қаттиқ иситма тутади-да», дедим. У зот: **«Ҳа, мени сизлардан икки кишини тутганчалик иситма тутади»**, дедилар. «Бу сизга икки ҳисса ажр бўлиши учундир-да?» дедим. У зот: **«Ҳа, худди шундай. Ҳеч бир мусулмон йўқки, унга бирор озор, тикан ва ундан каттароқ нарса етганда Аллоҳ шу туфайли унинг ёмонликларини худди дараҳт баргларини тўkkанидек ўчирмаса»**, дедилар».

Муттафақун алайҳ. [Бухорий, 6929. Муслим, 1792]

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг беморликни қандоқ бошларидан ўтказишлари ўз кўзлари билан кўрган саҳобий Абдуллоҳ

ибн Масъуд розияллоҳу анҳу томонларидан ривоят қилинмоқда. Худди шу ҳадиси шарифга ишора қилиб илмли кишилар бемор бўлиб қолсалар, гуноҳларимиз кўпайиб қолгандир, ажаб эмас, шу хасталик ила ювилиб кетса, дейдилар. Ҳа, bemorlikни ҳам Аллоҳ таоло мўмин-мусулмон бандаларига гуноҳларни ювиш учун қулай фурсат қилиб берган. Фақатгина улар бу қулай фурсатдан тўғри фойдалана билишлари керак. Бунинг учун эса, bemor бўлганларида сабр қилиб, bemorлик одобларини ўрнига қўймоқлари лозим. Бу ишда уларга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрнакдирлар. Бошқаларга нисбатан bemorlikни икки ҳисса оғир кечирсалар ҳам сабр қилиб, Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор ҳолда bemorlikни кечирганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таоло ҳузуридаги мақомлари улуғ бўлганидан ҳам у зотга дарднинг шиддатлиси келар эди. Бирор мусулмон банда хасталикка чалинса, нима учун ҳадеб bemor бўлаверар эканман, бошқалар соппа-соғ юрибди-ку, қабилидаги гап-сўзларга бормай Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг bemorlikка учрашларини кўз олдига келтирмоғи лозим. Bemorlikка учраш Аллоҳ таолонинг азобига учраш дегани эмас экан, балки, баъзи вақтларда, хусусан, мўмин-мусулмон, тақвodor одамлар учун bemorlik даражаларининг кўтарилиши учун хизмат қилиши ҳам мумкин экан.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

